

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**938 Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатиш-
нинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги
низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1891-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомига мувофиқ **бюроаман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 26 декабрдаги 120-сон буйруғи (рўйхат рақами 1891, 2009 йил 28 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 5-сон, 47-модда) билан тасдиқланган Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга кирди.

Вазир

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 2 август,
118-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2017 йил 2 августдаги
118-сон буйруғига
ИЛОВА

**Бизнес соҳаси учун суғурта хизматлари кўрсатишнинг
ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 5-банднинг еттинчи хатбошиси «суғурта товонини» деган сўزلардан кейин «(суғурта пулини)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2. 10-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«10. Суғурталовчи суғурта шартномасида кўрсатилган воқеа содир бўлганлиги тўғрисида хабарни ва ушбу воқеага алоқадор ҳужжатларни олгандан кейин етказилган зарарнинг сабаби ва миқдорига оид қўшимча

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

хужжатларни тузилган суғурта шартномаси шартларига мувофиқ сўрашга ҳақли.».

3. 11-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Агар суғурталовчи воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олса, у суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузиши, унда суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига тўлаши лозим бўлган суғурта товонининг (суғурта пулининг) миқдорини кўрсатиши ва суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома тузилган кундан бошлаб беш банк куни бўлган муддатдан кечиктирмай суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаши шарт.».

4. 12-бандда:

саккизинчи хатбоши «суғурта товонини» деган сўзлардан кейин «(суғурта пулини)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўн иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«суғурталовчи — тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс;»;

ўн олтинчи хатбоши «суғурта товони» деган сўзлардан кейин «(суғурта пули)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5. 16-банддаги «суғурта товони» деган сўзлар «(суғурта пули) тўлови» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 18-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Агар суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган хужжатлар воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва зарарнинг миқдорини аниқлаш учун етарли бўлмаган ҳолларда суғурталовчи содир бўлган воқеанинг тафсилотлари, суғурта қилдирувчининг ололмаган даромадларни (йўқотиш) сабаблари ва миқдорини эксперт баҳолаш учун мутахассисларни (экспертларни) жалб қилишга, шунингдек содир бўлган воқеанинг тафсилотларини ва зарарнинг миқдорини аниқлаш бўйича бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли.».

7. 21 ва 22-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Суғурта ҳодисасининг содир бўлиши муносабати билан фуқаролик, иқтисодий, жиноий ёки маъмурий иш қўзғатилган бўлса, суғурталовчи тегишли суммаларни тўлаш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинишини мутасадди органлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунга қадар кечиктиришга ҳақли.

22. Содир бўлган воқеа, зарар ҳажми ва суғурта товони (суғурта пули) миқдори бўйича томонлар ўртасида келишмовчиликлар бўлмаса, суғурталовчи тўланиши лозим бўлган суғурта товони (суғурта пули) миқдори кўрсатилган суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномани (суғурта далолатномасини) тузади.».